

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
"TRANSYO'LQURILISH SURXON  
MAGISTRAL"" МЧЖ



**БУЮРТМАЧИ:**

"TRANSYO'LQURILISH SURXON MAGISTRAL" МЧЖ

"TRANSYO'LQURILISH SURXON MAGISTRAL" МЧЖ Кузатувчи кенгашини ишончли ахборот билан таъминлаш ва ички аудит амалга оширилиши натижалари бўйича жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир таклифларни тайёрлаш ички аудит жараёнида аниқланадиган камчиликларни бартараф этиш юзасидан жамият бошқарув органига тавсияларни тезкорлик билан киритиш, уларнинг бартараф этилишини назорат қилиш учун.

**ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

**Термиз шахар -2022**

**Танлов хужжатларининг мазмуни:**

**I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

Ушбу йўриқнома 2018 йил 9 апрелдаги №472-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиха Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамоилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

**1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1. “TRANSYO’LQURILISH SURXON MAGISTRAL” МЧЖ Кузатувчи кенгашини ишончли ахборот билан таъминлаш ва ички аудит амалга оширилиши натижалари бўйича жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир таклифларни тайёрлаш ички аудит жараёнида аниқланадиган камчиликларни бартараф этиш юзасидан жамият бошқарув органига тавсияларни тезкорлик билан киритиш, уларнинг бартараф этилишини назорат қилиш учун бўлган пурдатчи ташкилотлар жалб қилинади.

1.2. Танловнинг бошлангич қиймати **-25 000 000** (йигирма беш миллион икки юз минг) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 2022-йил охирига кадар ички аудит хизмати ходими томонидан курсатилган хизматлар учун хар ойда максимум базавий хисоблаш микдорининг 5 (беш) баравари микдорида иш хаки тулас борилади.

1.5 Ишларни бошлаш муддати шартнома тузилган кундан бошлаб хисобланади.

**2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

**2.1 "TRANSYO’LQURILISH SURXON MAGISTRAL" МЧЖ**

(бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Почта манзили Сурхондарё вилоят Термиз шахри Нодира кучаси 3А-үй.

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов "TRANSYO’LQURILISH SURXON MAGISTRAL" МЧЖ биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

**3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

-танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи микдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари, машина механизимлар ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

-шартномалар тузиш юзасидан фукаролик-муомала хуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

-танлов обьектига ўхшаш обьектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

-ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

-танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган холда);

-Низом маблаги микдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Кўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

-қайта ташкил этилиш (ажратилиши, кўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодалangan бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиҳа хужжатлари, хусусан, лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳакида мурожаат килишга ҳақлидирлар.